



МЕНТОРЛИК МАКТАБИ ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ ТАДБИРКОРЛИК СИРЛАРИ

«Тадбиркор аёл» халқаро ишбилиармон аёллар ассоциацияси
Бирлашған Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури

«Ўзбекистон Республикасида тадбиркор аёллар ва ёш хотин-кызлар учун менторинг дастурини
ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бүйічча хизмет күрсатыши» номли грант лойхасы доирасыда чол
этілді



Ушбу құлланма тадбиркорлық фаолияти билан шүгүлланаёттән, шу соҳада иш бошламокчи бўлган
хотин-кызлар учун мўлжалланган бўлиб, ундан тадбиркорлық асосларини ўрганиш ва бизнесини
ривожлантириш ниятидаги ҳар қандай киши фойдаланиши мумкин. Құлланма Бирлашған
Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ташкилоти молиявий кўмагида тайёрланган.

Мазкур құлланмада менторлик мактаби асослари, құшилған
қиимат занджирини модели ва Ўзбекистон Республикасида кичик
бизнес ташкил этишининг ҳуқуқый ва ташкилий масалалари,
тадбиркорлық асослари, бизнес режа тузиш ва уни ҳаётга
муваффакиятли тадбик этилиши ҳақида сўз юритилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. МЕНТОРИНГ МАКТАБИ - 8

II. ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ - 18

III. ТАДБИРКОРЛИК - 24

IV. ВАҚТ ҚАДРИ - 30

V. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ - 34

VI. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИҢ ТУРЛАРИ - 36

VII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ - 40

VIII. БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ - 42

IX. СҮФУРТА - 46

X. ТАВАККАЛЧИЛИК ТАДБИРКОРЛИКНИҢ МУХИМ ЙЎНАЛИШИ - 47

XI. БИЗНЕС ҒОЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА УНИ БИЗНЕС РЕЖА ШАКЛИДА

БАЁН ҚИЛИШ - 48

XII. РАҚОБАТЛАР ТАҲЛИЛИ - 50

XIII. SWOT ТАҲЛИЛИ - 52

XIV. МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ - 54

XV. МЕНЕЖМЕНТ - 56

XVI. БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИҢ АСОСЛАРИ - 57

XVII. Б И З Н Е С Р Е Ж А - 58

“ТАДБИРКОР АЁЛ” ХАЛҚАРО ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР АССОЦИАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН - ҚИЗЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИДА ОМАД ТИЛАЙДИ!

Үқув кўлланма ижодий гурӯҳи:
Г. Маҳмудова – илмий раҳбар
Б. Шерматов – муҳаррир
Ш. Юсупова – муҳаррир ёрдамчиси
М. Раҳимов - дизайнер
Д. Яхъяева – корректор

Үқув кўлланмасини тузишда тавсия этилган адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда ахоли хаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фао тадбиркорликни ҳар томонлама кўплаб-кувватлашга, инновацион гоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновациян фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда, "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилиармон аёллар ассоциацияси томонидан хотин – кизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга бизнес сабоқларини бериш, уларни ахборот ва молиявий ресурслардан фойдаланишига ўргатиш борасида маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккӣ Дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикасида тадбиркор аёллар ва ёш хотин-кизлар учун менторинг дастурини ишлаб чикиш ва амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатиш" лойиҳаси ҳам ахолиси зич бўлган Фарғона водийси вилоятларида хотин – кизлар учун тадбиркорлик сабоқларини бериш, ўз бизнесларини очиш, уни бошлаб олишларига дастлабки кўмак кўрсатишга қаратилди.

Шарқ мамлакатлари ахолиси ҳаётида мураббийлик анъаналари қадим замонлардан бери маълум. Бундай тажриба ўзбек халқи учун ҳам одатий бўлиб, айниқса, уни аёллар тадбиркорлиги кесимида кўллаш жуда муҳимдир.

Халқаро амалиётлар шуни кўрсатадики, иш бошлаган тадбиркорни тажрибали мураббий томонидан кўплаб - кувватлаш бизнеснинг яшаб кетиш даражасини оширади ва унинг ривожланишини тезлаштиради.

Ўтган йили бошланган лойиҳанинг биринчи босқичи уста- шогирд анъаналарининг хотин – кизлар бизнесини ташкил этиш ва ривожлантиришда нақадар фойдали эканлигига ёрқин мисол бўла олади.

Тўпланган тажриба, лойиҳанинг ижобий натижалари ҳамда лойиҳа иштирокчиларининг фикр мулоҳазалари асосида Фарғона водийсида ушбу лойиҳани давом эттириш ҳақида хуолоса қилинди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи "Ўзбекистон Республикаси Фарғона водийсидаги тадбиркор аёллар учун менторлик/мураббийлик дастурини чукурлаштирилган шаклда ишлаб чикиш ва амалга ошириш" деб аталади.

Ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичидан мақсад - менторлик дастурларидан фойдаланаётган тадбиркор аёллар учун яхлит бизнес таълим тизимининг илк босқичи натижаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборатиди.

Яна бир жиҳат. Мамлакатимизда иктиносидий испоҳотларни жадаллаштиришда аграр соҳани испоҳ килиш, шунингдек, модернизациялаш алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга кўра, мамлакатимизнинг хўжалик юритиши ҳаётига "кўшилган қиймат занжири" тушунчаси кириб келди. Менторлик мактабининг "кўшилган қиймат занжири" модели билан уйгунлаштирилиши эса лойиҳа қийматини бир неча баробар юксалтиради.

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилиармон аёллар ассоциациясининг мақсади, Президентимиз раҳбарлигига олиб борилаётган испоҳотларда фаол иштирок этиш, хукуматга елка- дош бўлиш, ўзининг орттирган бор тажриба ва малакасини мамлакат иктиносиди ривожига сафарбар этишдир.

Умид қиласизки, устоз – шогирд анъаналари асосида "кўшилган қиймат занжири" ни ташкил этиш, тадбиркорлик асослари ва бизнес режа килиш сир – асрорлари баён қилинаётган ушбу қўлланма тадбиркорлик билан шуғуланаётган, шу фаолиятни бошлаш ниятидаги аёлларимиз, ушбу соҳага қизиқадиган барча инсонлар учун фойдали бўлади.

*Гулнора Маҳмудова,
"Тадбиркор аёл" халқаро ишбилиармон аёллар ассоциацияси раиси*

КИРИШ



I. МЕНТОРИНГ МАКТАБИ

Атамалар

Устоз ментор (инглизчада mentor), шогирд менти (mentee), уста - шогирд мактаби эса менторинг (mentoring), деб аталади.

Менторлик

- шогирдга ҳаракат моделларининг ҳар хил турларини тақдим этиш ва уларни фикр муроҳазалар орқали малакасини ошириш.
- бу ходимларни (шогирдларни) ўқитиш усулларидан бири бўлиб, тажрибали ходим маълум вақт оралиғида ўз билим, кўниқмаларини тажрибасиз янги келган ўқувчи (шогирд) билан баҳам кўради.
- бу норасмий таълим усулидир. Ўқиётган киши таълим тизимиға кирмайди ва синф хонасида ўтирумайди: тажрибалироқ мутахассис талаба хоҳлайдиган соҳада уни ривожлантиришга ёрдам беради.
- талаба бирон бир тасдиқланган методика бўйича мавзуларни ўзлаштириб олади, имтиҳон топшириб диплом олмайди. Бу менторлик, ўзаро таъсир қилиш ва ментининг муайян эктиёжларини ҳал қилиш жараёнидир.
- турли шаклларда бўлиши мумкин - классик якка тартибдаги менторликдан гурухли мураббийликка қадар, бунда битта устоз бир нечта мураббийлардан иборат гурухларни бошқаради.



Менторлик – бу норасмий муроқот ва ҳамкорлик бўлиб, унда ментор ментига ишонади, унга маълумот, маслаҳат ва ёрдам таклиф қиласди, бу эса ментига кўпроқ куч ва ишонч бағишлайди ва ўз мақсадига эришишга ёрдам беради. Бундай муносабатлар рағбатлантириш, очиқлик, конструктив фикр – муроҳазалар, ўзаро ишонч, ҳурмат, ўрганиш ва тажриба алмашишга асосланади.

Ментор (устоз) - ўз билими, кўниқмаси ва амалий тажрибасини тажрибаси кам бўлган ёш мутахассисга ўргатувчи профессионалдир. Ментор сизни касб билан таништириши, иш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ва ҳатто маълум бир соҳадаги муносабатларни кўрсатиш, ривожланиш режасини тузиши ва илҳомлантириши мумкин. У талабадан фақат битта лавозим катта бўлиши мумкин – асосийси, у талаба интилган даражани аллақачон босиб ўтган ва талаб ўзлаштиромоқчи бўлган нарсани яхши билади.



Ментор бир гурух талабалар билан ишлайдиган университет ўқитувчisi ёки мураббийидан фарқли ўлароқ, фақат ўз шогирдига эътибор қаратади. Шунинг учун у дикқат билан тинглаш, вазиятга шўнғиши, тўғри саволлар бериш ва мотивация қилиш имкорнига эга. Натижада, шогирди мақсад сари тезроқ ҳаракатланади.

Ментор вазифаси шогирдига мақсадларини тушуниб олиш, ўз қирраларини очиш, тўғри қарорлар қабул қилишни ўргатишидир. У вазиятга юқоридан қарайди, шогирдини жалб қиласди ва унга намуна бўлиб, олға силжишга ундаиди. У шогирдининг муаммоларини ҳал қилиб бермайди. Балки, шогирдига шубҳа қилган, ҳатто, орзу қилмаган муваффақиятларга эриша оладиган шароитларни яратади. У ишончли маслаҳатчи ва ажойиб тингловчи. Коучлик, тренерлик, фасилитаторлик воситаларини қўллади.



Ментор вазифалари:

- Амалда ёрдам қилиш ва қандай воситалардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш.
- Касб нимадан иборат эканлигини тушунтириш.
- Шогирд карьераси бўйича қадамба қадам маслаҳатлар бериб бориш.
- Шогирд кечинмаларини тинглаш ва уни қўллаб қувватлаш.
- Шогирдига илҳомлантирувчи намуна бўлиш.


Бунинг учун ментор:

- Шогирдининг мақсад ва вазифаларига эътибор қаратади;
- Нимани ўқиши, ўрганиш, кўриш маслаҳатини беради;
- Ҳаракатларга муайян кўрсатмалар бермайди, балки ечим варианtlарини таклиф қиласди;
- Қийинчиликларни мухокама қиласди ва уларни енгib ўтишга ёрдам беради;
- Доимий алоқада бўлади.

Ментор яна муайян муаммоларни ҳал қиласди: воситалар билан ишлашни кўрсатади, портфолио яратиш ва сұхбатларда ўзини қандай тутиш кераклиги бўйича маслаҳатлар беради.

Ментор шогирдининг ривожланишига ёрдам бериш учун бир қатор кўникмаларга эга бўлиши керак. Ушбу кўникмалар самарали мураббийликка ҳисса қўшади. Турли вазиятларда ва турли муаммоларни ҳал қилишда бири бошқасидан кўра мухимроқ бўлиши мумкин, аммо умуман олганда, уларнинг барчаси шогирд билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун бир хил даражада зарурдир.

БИЗНИНГ МУРАББИЙ



МУРАББИЙЛИК ТУРЛАРИ

Бевосита – шогирд билан бевосита алоқа, у билан нафақат иш вақтида, балки норасмий ҳолатда ҳам мулокотда бўлиш;

Билвосита – мураббийлик фақат маслаҳатлар, тавсиялар орқали расмий амалга оширилади, шахсий алоқалар минималлаштирилади;

Жамоавий – мураббийлик шогирдлар грухига амалга оширилади



Менти (шогирд) – тадбиркорликнинг маълум бир соҳасида янги нарсаларни ривожлантириш ва ўрганишни хоҳлайдиган, лекин у ўз мақсадига эришиш учун қандай йўл тутиш кераклигини билмайдиган ва тушунмайдиган ўқувчи.

Менти вазифалари -

- Янги ғояларга очик бўлиши ва ўрганишга тайёр бўлиши керак.
- Менторинг икки томонлама билим ва тажриба алмашиб жараёни бўлиб шогирд ўз устози маслаҳат ва тавсияларини олишга тайёр бўлиши керак.
- Фаол ва ташаббускор бўлиши керак.
- У савол қўйишни, ўз мақсадларини шакллантиришни, ўз ҳаракатларини режалаштиришни билиши керак.
- Ўз устозига ишониши ва унинг тажриба ва билимларини ҳурмат қилиши керак. Менторнинг танқид ва маслаҳатларини қабул қилиши, менторлик ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатлар эканлигини тушуниши керак.
- Ўз ҳаёти ва фаолиятидаги ўзгаришларга тайёр туриши, менторлик янги талаб ва шароитларга мослашишига ёрдам беришини тушуниши керак. У устози кутилмаган ғоя ва муаммолар ечимиға ёндошув таклиф қилишига тайёр бўлиши керак..

МЕНТОРИНГ МАКТАБИ

Устоз ва шогирд муваффақиятли ҳамкорлиги учун жараённинг иккала иштирокчиси эга бўлиши керак бўлган минимал компетенциялар тўплами мавжуд:

- фаол тинглаш
- ривожланиш бўйича фикр - мулоҳазалар
- ривожланиш учун саволлар бериш
- ривожланишни режалаштириш
- ривожланиш мақсадларини белгилаш
- қобилиятларга яраша илҳомлантириш ва вазифа қўйиш қўникмаси.

Баъзи одамлар бу қобилиятларга туғма эга, бошқалари эса бу фойдали қўникмаларни ривожлантириш учун вақт ва куч сарфлашади. Қандай бўлмасин, бизнинг ҳаётимиз ва касбимиздаги муваффақиятларимизни айнан мана шу қўникмалар белгилаб беради.

Устоз қўникмалари

- қўникма/имкониятларни ривожлантириш
- илҳомлантириш
- қайта алоқани таъминлаш
- хатарларни бошқариш



Шогирд қўникмалари


- устоз жалб қилиш
- тез ўрганиш
- ташаббускорлик
- қатъиятлилик
- муносабатларни бошқара билиш

Ҳамкорлик қўникмалари

- бир бирини фаол тинглаш
- ишониш
- рағбатлантириш/илҳомлантириш
- мақсадларни шакллантириш

МУРАББИЙЛИКНИНГ ТИПИК ХАТОЛАРИ

- 1) шогирднинг нохушлигини етарли даражада баҳоламаслик, у билан қайта алоқанинг йўқлиги;
- 2) шогирдга ўз фикрини ўтказиш, унга ўз тажрибасини тушунтирумай кўллаш;
- 3) шогирдни вазифаларга кўмиб ташлаш ва унга бир вақтнинг ўзида кенг доирадаги масалалар бўйича танбеҳлар бериш;
- 4) шогирд тақдирига қайқурмаслик ва ўз вазифаларини юзаки бажариш.



Менторинг мақсадини шогирд аниклайды, устоз үнга ўзи биладиган воситалар орқали эришиш йўлларини кўрсатади.

Менторинг сизнинг позициянгиз, кўникумаларингиз, устуворликларингиз ва истиқболларингизни чуқур таҳлил қилишга ёрдам беради. Профессионал мураббий ваколатлар, ҳатти ҳаракатлар, қарорлардаги заиф томонларни аниклайди ва нима қилиш кераклиги ҳақида тавсиялар беради. Ва у дўст ёки яқин одам бўлмагани учун, у буни холислик билан шогирднинг ҳис туйғуларини ранжитишдан қўрқмаган ҳолда қиласди.

Одатда, устоз ва шогирд жадвал бўйича мунтазам хабарлашиб ёки учрашиб туришади. Машгулотлар давомида шогирдга шунчаки билим берилмайди, шогирд фаолияти бир томонлама танқид қилинмайди. Бу биринчи навбатда аник саволлар ва конструктив фикр мулҳазалар асосида қурилган мулқотдир.

Менторлик доимо ўзаро диагностиқдан бошланади. Устоз ва шогирд ўз ҳақларида гапириб беришади, биргаликда ишланадиган масала ва вазифалар доирасини аниклашади. Аммо, энг мухими, аник бир муддатга ривожланиш режасини тушиб олишдир.

Ҳар бир учрашувда улар ривожланиш тарқиётини ёки пайдо бўлган, аввалдан режалаштирилган масалаларни мухокама қилишади. Бунда шогирд мавзу бўйича базавий билимларга эга бўлиши шартлиги мухимдир. Устоз назарияни ўргатувчи мактаб ўқитувчиси эмас.

Қўпинча ментор қўшимча адабиёт ва видеони тавсия қилиши, бошқа материалларга ҳавола бериши мумкин. Бирок, уларни ўрганиш шогирд зиммасида, устоз уни текшириб имтиҳон қилиб ўтирамайди.

Таълим тадбирлари қўйидаги долзарб йўналишларда бўлиши мумкин:

- тадбиркорлик асослари;
- низоларни бошқариш;
- тайм-менежмент;
- лойиҳалар бошқаруви;
- шогирдлар интилишини бошқариш;
- кадрларни бошқариш;
- бухгалтерия ва солик;
- маркетинг;
- шахсий имижни бошқариш;
- стрессларни бошқариш;



II. ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ



Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда аграр соҳани ислоҳ қилиш, шунингдек, модернизациялаш алоҳида ўрин эгаллади. Шунга кўра, “қўшилган қиймат занжири” тушунчаси мамлакатимизнинг хўжалик юритиш ҳаётига кириб келди.

“Қўшилган қиймат занжири” маҳсус – уч қатламли тушунча бўлиб, “қўшилган”, “қиймат” ва “занжир” терминларининг бирлашувидан ташкил топган. Бошқача қилиб таърифлайдиган бўлсак, қўшилган қиймат микроиктисодиётда турли хўжалик субъектлари фаолиятларида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда дастлабки сарфлаган капиталларига нисбатан ортиқча – янгидан яратилган қийматдир. Бу - жараёнларнинг ҳар бирида янги қийматнинг яратилишидир. Бунда ҳар бир бўғинларнинг ишлаб чиқарган (оралик) маҳсулоти кейингиси учун хомашё бўлиб хизмат қиласи ва шу асосга кўра янги қиймат вужудга келади. Охир оқибат, бутун занжир ҳосил қилингандан маҳсулот барча жараёнлар йигиндиси қийматидан-да юқори қийматга эга бўлади.

Ушбу модель корхона ускуна, одамлар, пул ва бошқарувнинг тасодифий бирикмаси эмас, деган фикрдан келиб чиқсан. Агар ушбу компонентлар бир тизимда ташкил этилса ва тўғри фойдаланилса, истеъмолчилар харид қилишга тайёр бўлган сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш мумкин. Муайян жараёнларни бажариш ва уларнинг бошқа жараёнлар билан ўзаро алоқаларини бошқариш қобилияти ракобатдош устунликни яради.

Жараённинг 2 тури мавжуд

01 Асосий

02 Ёрдамчи

Асосий жараёнлар товар ёки хизмат яратиш ва уни етказиб бериш билан боғлиқ. Бу тоифага қуидагилар киради:

1. Кирувчи логистика – тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёни кириб келиши ва сақланиши.
2. Ишлаб чиқариш – тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар (ишлаб чиқариш, йигиш, қадоқлаш каби).
3. Чиқувчи логистика – тайёр маҳсулотни саклаш, буюртмани бажариш, етказиб бериш, яъни маҳсулотни охирги истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ барча жараёнлар.



4. Маркетинг ва сотув – истеъмолчини маҳсулот сотиб олишга ундаш билан боғлиқ фаолият: сотув каналларини танлаш, реклама, сотувлар, нарх шакллантириш.

5. Сервис – тайёр маҳсулот қадрини оширувчи жараёнлар: таъмир, монтаж, тренинглар, мижозларни қўллаб қувватлаш каби.



Биринчи
қадам



Ишлаб
чиқариш/Қайта
ишлаш




Шартнома
жараёни



Маркетинг



Истеъмолчи,
бозор



Ёрдамчи жараёнлар асосий жараёнлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бу тоифага құйидагилар киради:

1. Таъминот – хом ашё хариди, сервис хизматлар, запас қисмлар, дастгох, ускуна, ахёнда бутун бошли заводлар.
2. Инсон ресурсларини бошқариш – рекрутинг, таълим, ходимларни ушлаб туриш билан боғлик, харажатлар.
3. Технологияларни ривожлантириш – илмий изланиш ва ишланмалар, жараёнларни автоматлаштириш, ахборот технологиялари архитектурасини яхшилаш.
4. Фирма инфраструктураси – раҳбарият, умумий раҳбарлик, стратегик ва жорий жараёнларни режалаштириш, сифатни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби, юридик жараёнлар.



Маржа корхонанинг занжирдаги барча харажатлари устига құядиган устамаси, оладиган даромади. Бошқача қилиб айтганда, харидор корхонанинг ўзаро жараёнларни бошқариши ва құшимча қўшилган занжир туфайли барча харажатлардан кўра кўпроқ пул тўлайдиган маҳсулот яратилади. Ҳар бир жараён нафакат харажатларни, балки қийматни ҳам ифодалайди. Ушбу модель корхонанинг барча бизнес жараёнларини баҳолайди ва корхона маҳсулот ёки хизматга қаерда қиймат қўшишини белгилайди.

Компанияга рақобатдош устунликларни таъминлайдиган ноёб жараёнлар тўпламини топиш керак. Кўпинча, ҳар қандай жараён рақобатчи томонидан ўғирланиши мумкин. Бирок, корхона ноёб комбинацияси корхонага катта маржа, катта бозор улушини олиш ёки паст нархга эга бўлиш имконини беради.

III. ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлик – бу режалаштирилиб, муваффақиятли амалга оширилган гоя хисобланади. Тадбиркорликни улдаладим, дейишингиз учун қуйидаги бешта босқични таъминлашингиз лозим, яъни: **ғояни аниклаш, режа тузиш, уни ҳаётга татбиқ, қилиш, муваффақиятли фолият ва даромад олиш.**

Агар бу жараёнга кундалик турмушингизда амал қилсангиз, Сиз - тадбиркорсиз. “Тадбиркорлик” тушунчасини бу кўринишида талқин этар эканмиз, кўпчилик тадбиркорлик потенциалига эгалигини англаймиз. Кундалик ҳаётнинг муаммоларини енгиг ўтувчи тадбиркор одамлар билан буларни амалга ошира олмайдиган кишиларнинг орасидаги фарқ, уларнинг турли масалалар ва уларнинг ечимларига бўлган ёндашувларида намоён бўлади.

Тадбиркорлик масалалар ечимига тизимли ҳамда синчковлик билан ёндошув натижасида ҳаётда кўп нарсаларга эришиш имконини беради. Тадбиркорлик ҳаётда ҳар қандай чигал вазиятдан чиқиш йўлларини топишга, шунингдек йўлингиздаги мураккаб масалаларни ечишга ўргатади.



ТАДБИРКОР УЧУН МУХИМ ХИСЛАТЛАР

ЭНЕРГИЯ

Мехнатсеварлик мұваффақиятлы тадбиркорликнинг гаровидир. Сизге лойиҳаларингизни мұваффақиятли тұгallаш ва тұғри ечим қабул қилиш билан боғылқ, бұлған күп (хам жисмоний, хам ақлий) энергия керак бўлади. Бу энергияни қувватлаб туриш учун сиз миянгизни ва танангиз барча аъзоларини вазиятнинг кескин ўзгаришларига тайёр қилиб туришингиз позим. Сизга шунингдек, мустаҳкам соғлиқ ва жисмоний барқамоллик ҳам керак бўлади, табиийки буларга тұғри диета ва жисмоний машқлар орқали эришса бўлади.



МАҚСАДГА ЭРИШИШ

Муваффақиятга эришиш учун сизда кучли мотивация (рағбат) бўлиши лозим. Сизнинг ҳәётингизни яхшилашга муносабатингиз ва интилишингиз ўз олдингизга қўйган мақсадга эришишингизга имкон беради, бунинг учун бошқалардан кўра кўпроқ, ишчанлик ва тиришқоқлик талаб этилади.

МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИК

Юқори натижаларга эришиш учун топшириклар ўз вақтида ва яхши бажарилиши керак. Самарадорлик, тезкорлик ва ўз вақтини бошқариш қобилиятисиз бизнесда мұваффақиятга эришиб бўлмайди. Мақсадга қаратилганлик ва шайлик сизга натижага эришишда кучларингизни асосий йўналишда жамлашга ёрдам беради.

ҲАМДАРД БЎЛИШ

Сиз ўзингизда эмпатия қўнималарини (хәёлан ўзингизни бошқа одам ёки бир гурӯх одамлар ўрнига қўйиб кўриш) ривожлантириб боришингиз позим. Сиз одамлар нимани ҳис қилаётгандигини тушунишин ўрганишингиз керак. Потенциал мижоз билан ишлаш жараёнида сиз у нимани ҳис этаётгандигини кўз олдингизга келтира олишингиз позим.

ТОПҚИРЛИК

Сиз корхона ишларини самарали бошқариш учун позим бўлган йўлбошлиликка мойилликни ва раҳбарлик қўнималарини ривожлантириб боришингиз, ўзингизда керакли ходимларни топа олиш қўнималарини шакллантиришингиз ва улардан бизнесни юритишида фойдаланишингиз позим. Булар тадбиркорликда энг мухим хусусиятлар хисобланади

РЕЖАЛАШТИРИШ

Бизнесни лойиҳалаш пайтида корхонанинг буткул тасвирини кўра олиш мухим – нима учун ташкил этилаётганилиги, нима қилиш кераклиги, бу қандай қилиниши, ким буни амалга ошириши ва қачон амалга оширилишини тушуниш керак. Асосийси, қоғозда ёзма бизнес режа тувиш зарур. Бу вазиятни ойдинлаштириб, корхонани ташкил этиш бўйича ҳаракатни бошлаш кераклиги ёки йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Айнан режалаштириш келгусида кўрилиши мумкин бўлган фойда ёки зарарни молиявий кўрсаткичларини аниқлаб, иш бошламасдан олдин хатарларни очиб беради.

ТАВАККАЛ ҲАРАКАТЛАР

Ўзининг бизнесини бошлашга жазм этган барча тадбиркор одамлар даставвал батафсил таҳлилни амалга оширадилар, барча мумкин бўлган хатарларни англагандан сўнггина қарор қабул қиласидилар. Қарор қабул қилингандан кейин, улар мақсадга элтувчи йўл сари дадил ҳаракатланадилар. Муваффақият - кўзланган ва ишончли деб ҳисобланган йўналишда ҳаракатдан бошланади.

ИННОВАЦИЯ

Тадбиркор кишиларнинг алоҳида хусусиятиридан бири – бу янада самаралироқ фаолиятга имкон берувчи янги гояларни татбиқ этиш қобилиятидир. Ташиббускорлик, тасаввур, интуиция ва зийраклик туфайли сизни ўраб турган мухитни ўзингизнинг эҳтиёжларингизга мос равишда ўзgartира олишингиз мумкин. Қўшимча ахборотни ахтариш – новаторлик ёндошуви нинг мухим илдизларидан бўлиб, шу боисдан тадбиркор кишилар ахборотга таянадилар ва доимо янги билимларни излайдилар.



КЎНИКМАЛАР

Тадбиркор кишилар уларга ишда ёрдам берувчи қобилият, ҳатто талантга эга бўладилар. Уларнинг аксаријати ҳаётий тажрибалардан англанган кенг кўламдаги билим, кўниқмалар захирасига эга, улардан бизнесда имкон қадар кўп фойда олиш учун фойдаланадилар. Шунинг учун сиз ўз талантларингиз ва кўниқмаларингизни, шунингдек уларни қўллаш усусларни баҳолашингиз лозим бўлади. Талант ва орттирилган кўниқмалардан доимо фойдаланиб туриш керак, акс ҳолда улардан ажраб қолишингиз мумкин.


МАТОНАТ

Тадбиркор бўлишга жазм қилган киши қийинчиликларни енгиб ўтишга доим тайёр туриши лозим. Тадбиркор аёллар уларга салбий таъсир қилувчи қўшимча муаммоларга дуч келишлари мумкин. Тадбиркор ўзининг хусусий корхонасини очиб, ундан фойда олиш учун қийинчиликлар олдида чекинмаслик кўниқмасига эга бўлиши керак. Сабр, тиришқоқлик ва муваффақиятга эришишга ишонч – йўлингизда учрайдиган жисмоний ва руҳий қийинчиликларни енгиб ўтишдаги мададкорингиз хисобланади.

Сиз тадбиркорликни зарур кўниқмаларни эгаллаш билан биргаликда бошлайсиз. Сизнинг кейинги қадамингиз (ёлланма ходим бўлиб жойлашасизми ёки ўзингизнинг хусусий корхонангизни очасизми) ўзингизнинг касбий фаолиятингизни танлашдан иборат бўлади. Айнан касбни тўғри танлашингиз келгусида ундан қаноат ҳосил қилишингиз, ўзингизга ва мамлакатга фойда келтира олишингизга имкониятлар очиб беради. Ва ниҳоят, сиз олган билим, кўниқма ва малакангизни ишда қўллай олишга ўрганишингиз лозим. Фақат шу йўл билан сиз ўзингиздаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали муваффақиятларга эришасиз.

Ана шу хислатларга эга бўлсангиз, дадил тадбиркорлик фаолиятини бошласангиз бўлаверади!

IV. ВАҚТ ҚАДРИ



1. ДАСТАВВАЛ ЭҢГ МУҲИМ МАСАЛАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИНГ

Аксарият одамлар аввал енгил масалалар билан шуғулланадилар. Лекин муттасил осон иш бажариш күп вактни олиб қўйиб, қийин масалаларни ечишга вакт етмайди. Вақтингиздан унумли фойдаланиш учун аввал эңг мухим ишни бажаришдан бошлаш керак. Шунинг учун кўпчилик тадбиркорлар эңг қийин ишларни эрталаб, куч-қуввати эңг юқори даражада бўлган вактда, амалга оширадилар. Мухимлик даражаси пастроқ бўлган ишларни куннинг охирига режалаштирадилар.

2. ВАҚТИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ

“Ўз вақтимни ҳозир қандай қилиб самаралироқ сарф қилишим мумкин?” деган саволни ўз олдингизга қўйинг. Бу сизга бизнесингизни ривожланишига сабаб бўладиган энг асосий ишларни ажратиб олишига ёрдам беради.

3. ТАҚСИМЛАНГ

Ишни тақсимлаш – ҳар бир тадбиркор учун жуда муҳим, шунинг билан биргаликда қийин масала ҳисобланади. Тадбиркор ўзи бажараётган ишнинг бир қисмини ходимларига топширишни ўрганиши лозим. Айрим ишингизни ходимларга юклаш жамоа ўртасида ишончни мустаҳкалашнинг яхши усули ҳисобланади, бу вактни тежаб тадбиркорга бошқа стратегик муҳим ишларга диққатини жамлашга имкон беради. Агар ходим ишни тадбиркор каби яхши бажара олса, у ҳолда тадбиркор маълум ишни унга топшириши мумкин.

4. ИШЛАРНИ ГУРУХЛАНГ

Асосий ишдан чалғитувчилар билан ишлашга, шунингдек вактдан ва сайни ҳаракатларингиздан рационал фойдаланишига ўрганишингиз муҳим. Масалан, кун бўйи тўхтовсиз қўнгироқ қилиш ўрнига қўнгироқни бунинг учун эңг мақбул бўлган вактда амалга оширинг. Келувчилар қабули учун алоҳида вакт ажратинг. Бизнесингизни ҳал қилувчи стратегик масалаларни ҳал этиш учун, ҳеч ким ҳалал бермайдиган пайтда вакт ажратинг. Иш вактини унумли бўлишига ҳаракат қилинг.

5. ИШ ЎРНИНИ ТОЗА ТУТИНГ

Столингизни ҳар хил нарсалардан тозаланг. Фақат бажараётган ишингизга тааллуқлиларини қолдиринг. Муваффақиятли тадбиркорлар тоза столларда ишлайдилар.

6. "ЙҮК" ДЕБ АЙТИШГА ТАЙЁР БҮЛІНГ

Бошқалар сизге ўз ишларини юклаша ҳаракат қыладилар. Күпинча, бошқа кишини дилини оғри-тиб қўйишдан чўчиб "йўк" деб айта олмай, ўзингиз билан қарама-қаршиликка кириб қоласиз. Одамлар доим тадбиркордан "5 дақиқа вақтни ажратишни" сўрайдилар. Ростгўй бўлиб, "йўк" дейиш ўрнига кўпчилик ҳолларда сиз "ҳа" дейсиз. "Йўк" дейиш довю-ракликни талаб қиласди.

7. МАҚСАДЛАРНИ ҲАР КУНИ ШАКЛЛАНТИРИНГ

Яхши тадбиркор эришмоқчи бўлаётган мақсадиди аниқ билади. Лекин, иши юришиб турган кўпчилик тадбиркорлар ҳам баъзан ўз олдиларга мақсад қўя олмайдилар. Агар муваффакиятли тадбиркор бўлишни истасангиз, ўз мақсадларингизни аниқланг. Уларни имкони борича аниқ-тиник ифодалаш лозим. Муваффакиятли тадбиркорлар мақсадага эришиш учун ўзларига қатъий муддатлар қўя олиш қобилиятлари билан ажralиб турадилар. Кунлик режа бизнеснинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб тузилади. Унда бизнес очища қўйилган мақсадларга эришиш йўллари акс эттирилади - қадамма-қадам бир мақсаддан кейинги мақсад сари. Шундай йўл билан тадбиркорлар ўзларининг ўйлаган мақсадларига эришадилар.

8. ЖУДА КЎП НАРСАНИ ЎЗИНГИЗГА ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМАНГ

Кўпчилик тадбиркорлар жуда кўп ишларни қилишга ҳаракат қилиб, ўзларига стратегик мухим масалалар устида мустақил мушоҳада қилишга вақт қолдирмайдилар.



9. ИШ КУНИНГИЗНИ РЕЖАЛАШТИРИНГ

Кўпгина кишилар иш кунини режалаштиришга вактлари етиш маслигини рўйач қиласди. Улар жуда банд кишилар, лекин бу уларнинг самарали тадбиркор эканликларини англатмайди. Амалда иш кунингизни режалаштиришга озгина вакт сарф қилиб, кўшимча вактни қўлга киритасиз. Эрталаб кундалик дафтaringизни олиб, янги вароғининг юқорисидан "БУГУН МЕН НИМАЛАРНИ БАЖАРИШИМ КЕРАК" деб ёзинг ва қунлик режани тузиб олинг. Унда куннинг мухим вазифаларини ва уларни бажариш вактларини кўрсатинг.

10. ФАОЛ БҮЛИНГ

Қарор қабул қилишдан қочманг. Иккиланишга кетадиган вақтингизни тежаш сизга бошқа мухим ишлар учун кўшимча вакт беради. Қарор қабул қилгандан сўнг, ҳеч иккиланмай, оғиш масдан ҳаракат қилинг.

Сизнинг вақтни бошқара олиш қобилиятингиз атрофингида-ги бошқа одамлардан устунлигингизни таъкидлаб туради. Агар сиз вақтингизни самарали бошқара олмас экансиз, табиийки, бошқа одамларни ҳам бошқара олмайсиз. Тадбиркорлар ўзла-рининг мақсадларига эришишни режалаштира олишлари керак. Бир мақсадага эришгач, уни қайта кўриб чиқишингиз лозим. Стра-тегик ва тактик режалар бизнеснингизни келажақдаги устувор масалаларини ўз вақтида кўриб, уларни бозорнинг турли ташки таъсиrlарига мослаштириб бориш имконини беради. Яхши режа муаммоларни бошланмасдан олдин аниқлашга ва унинг ечимини топишга ёрдам беради. Ўз муваффакиятларингизни ҳис қила бо-риб, сиз янада фаолроқ бўласиз ва олдингизга бир - биридан қи-зиқ ўзига ром қилиб оладиган янги мақсадларни кўясиз. Вақтни бошқаришга ўрганиш кийин эмас. Ҳар кунлик иш режаларингизни тузиб боришга интилишингизни ўзи сизни бу борада мутахас-сисга айлантириб қўяди. Вақтни бошқариш усуллари кундалик ҳаётингизда ҳам аскотади. Бир ишни бажаришни режалашти-ришга қанчалик вақтни кўп сарфласангиз уни бажаришга кета-диган вақтингиз ўнлаб мартаға камаяди.

V. ТАДБИРКОРЛИК ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга мувофиқ, хусусий мулк хуқуқлари ҳимояси тобора такомиллашиб бормокда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб – тамоиллари тўғрисида"ги, "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш ўйлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора- тадбирлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (янги таҳrirда) ва бошка ўн бешдан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Президент фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тадбиркорликка оид Ўзбекистон қонун ва қонунчилик ҳужжатлари тадбиркорлик фаолияти қонун ва қоидаларини белгилаб беради.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи ҳар қандай шахс ушбу қонун- қоидаларни билиши ва янгиларини кузатиб бориши шарт.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЬЕКТИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ


"Тадбиркорлик субъекти" белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсdir.

Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) деганда, тадбиркорлик субъекти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ, тавакkal қилиб ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти тушунилади.

Ўз ишини бошқариш ва унинг муваффақияти учун ўзи жавобгар эканлиги сабабли ушбу ишда, тадбиркор энг асосий шахс ҳисобланади. Бундай масъулият ташки ва ички ишлаб чиқариш вазиятлари таъсирини ўзига қабул қилишга тайёр бўлишни, шунинг билан бирга катта эркинликни ҳам назарда тутади. Ўз ишини бошлаш – катта қадам ва у бутун ҳаётни ўзгартириб юбориши мумкин. Бу қадамнинг қўйилиши тиришқоқлик билан кўп меҳнат қилишни талаб қиласди.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти тадбиркорнинг шахсий қобилияти, билим ва тажрибасига боғлик бўлади. Тадбиркорнинг ишбилармонлик қобилияти ва кўникмалари қанча кўп бўлса, ишнинг муваффақиятли бўлиши эҳтимоли шунча катта бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш шарт. Бу амалдаги қонунчилик бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши тақиқланмаган исталган шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши ёки якка ўзи ёхуд бошқа шахслар билан биргаликда юридак шахс – тижоратчи ташкилотни таъсис қилиши ва уни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиши мумкинлигини билдиради.



VI. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Қўйида ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсат қилинган тадбиркорлик фаолиятининг шакллари келтирилмоқда:

- якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахсни ташкил этмасдан)
- хусусий корхона
- оиласвий корхона
- масъулияти чекланган жамият
- акциядорлик жамияти
- фермер ҳужалиги шуъба ҳўжалик жамияти
- унитар корхона

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

Якка тартибдаги тадбиркорлик, хусусий тадбиркорликнинг тури сифатида бу — фуқароларнинг шахсий мулкига асосланган ва уларнинг таваккал қилиб ҳамда мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятидир.

Қўйидагилар якка тартибдаги тадбиркорликнинг турлариидир:

- шахсий тадбиркорлик (бир фуқаро) ва қўшма (ҳамкорликдаги) тадбиркорлик (оиласвий тадбиркорлик, юридик шахс ташкил этмаган дехқон ҳўжалиги).

Ўзбекистон Республикасида якка тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахс томонидан мустақил равишда, бошқа кишилардан 3-4 кишигача ёллаб тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни назарда тутади.

Якка тартибдаги тадбиркор қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари амалга ошириши мумкин бўлган фаолият турларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай турини амалга оширишга ҳақидидир.

ХУСУСИЙ КОРХОНА

Ўзбекистон Республикасида хусусий корхона деганда мулкдор-бир жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижорат ташкилоти тушунилади. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона - бу кўп жиҳатдан ЯТТ нинг ижобий хусусиятларини сақлаб қолган ва унинг чекланишларидан озод бўлган ташкилий ҳуқуқий шакли. Хусусий корхона мол - мулк берадиган мулкдор томонидан тузилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, корхонанинг мулки етарли бўлмаганда, хусусий корхона мажбуриятлари бўйича унинг эгаси ўзига тегишли бўлган мол - мулк билан субсидиар жавобгар бўлади.

ТАДБИРКОРЛИК СИРЛАРИ

Хусусий корхонанинг устав жамғармаси бўлинмайди, унинг миқдори эгасининг ўзи томонидан белгиланади.

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Оилавий корхона – оилавий бизнес учун юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти макомига нисбатан янада кенгрок бўлган маҳсус ташкилий шакл. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан оилавий корхона иштирокчиларининг улуши ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этилади.

Оилавий корхона фаолиятини фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин ва давлат руйхатидан ўтказилган санадан эътиборан юридик шахс макомига эга бўлади.

Оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Мос ҳолда унга нисбатан қонунчиликда кичик бизнес субъектлари учун кўзда тутилган имтиёзлар, чекланишлар ҳам қўлланилади.

Оилавий корхона ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ёллаши мумкин. Бироқ, оилавий корхона иштирокчилари ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

Масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳукуқий шакли бўйича амалда Ўзбекистонда энг кенг тарқалган шакл. Масъулияти чекланган жамият шаклида нафақат кичик тадбиркорлик субъектлари, балки ўрта ва йирик ҳажмлардаги бизнес-тузилмалар ҳам руйхатга олинади.



МЧЖ - бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хужжатларида белгилаб қўйилган мулкдорлардаги улушларга бўлинган ҳўжалик жамияти.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Акциядорлик жамияти устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъект.

ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИ

Фермер ҳўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, ҳўжалик юритувчи субъектдир.

УНИТАР КОРХОНА

Унитар корхона – ўзига бириктириб қўйилган мол – мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳукуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.





VII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйиш давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларида амалга оширилади.

Туман (шахар) хокимлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

- "Ягона дарча" марказларининг асосий вазифалари қўйидагилар этиб белгиланди:

- Тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-тамоилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш.

- Тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатида бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошقا ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

- Аризачиларга ахборот кўмаги кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маслаҳатлар бериш.

КОРХОНА НИЗОМИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Оилавий корхона, МЧЖ ва мулкчиликнинг бошқа турларида ташкилотнинг низоми асосий ўринда туради. Сиз бошланишида қайси тадбиркорлик фаолиятида иш бошлаётган бўлсангиз низомда келажакдаги режаларингиздаги фаолиятларни ҳам киритишингиз мумкин.

МЧЖ - бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хўжатларида белгилаб қўйилган мулкдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Акциядорлик жамияти устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган ҳолда хўжалик юритувчи субъект.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, хўжалик юритувчи субъектdir.

УНИТАР КОРХОНА

Унитар корхона – ўзига бириктириб қўйилган мол – мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳукуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.



VIII. БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Бизнесни бошлашда харажатларни имкон қадар минималлаштириб, маблагни тежашга харат қилинг. Күпчилик бўлажак тадбиркорларни қийнайдиган асосий масала – бу бизнесни бошлаш учун дастлабки сармояни топишдир. Айнан ушбу муаммо ўз бизнесингизни йўлга кўйишингизни сениллаштиради ёки тўхтатиб туради.

Шубҳасиз, тадбиркорликни йўлга кўйишда бошлангич сармоя мухим омилдир, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин, биринчи галда қайси йўналишда фаолият олиб бормоқчи эканлигингизни, асосий мақсадларингиз ва уларга эришиш йўлларини аник белгилаб олиб, кейин лойиҳангизни молиялаштириш манбалари ҳақида ўйлашингиз мақсадга мувофиқдир. Қуйида ушбу манбалар хусусида тўхталиб ўтамиш.

БИЗНЕСГА ШАХСИЙ ЖАМҒАРМАЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ

Бу энг хавфсиз ва ишончли йўл ҳисобланади. Дўйстлар ёки қариндошлардан қарз олиш. Агар муваффакиятга эришишга амин бўлсангиз ва керакли сумма йирик бўлмаса, ушбу усулдан фойдаланингиз мумкин. Бироқ, ишингиз юришмаса ва қарзингизни қайтара олмасангиз, дўйстларингиз ва яқинларингиз билан муносабатларингиз бузилиши мумкинлигини ҳам ёдда туting.

САРМОЯДОР ТОПИШ

Бу бирор бир шахс ёки ташкилот бўлиши мумкин ва сиз уларни лойиҳангизга қизиқтира олишингиз даркор.

ҲАМКОР ТОПИШ

Ишни бошлаш учун сармоясини йўналтиришга тайёр бўлган ҳамкор билан шерикчилик асосида фаолият юритиш мумкин.

МИНИМУМДАН БОШЛАШ

Ишни бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки битта мижозга хизмат кўрсатишдан, ёки бўлмаса, уй шароитида, бошлангич сармоя деярли талаб этилмайдиган фаолият туридан бошлаш мумкин. Агар қайсиидир соҳада етарли билим ва тәжрибага эга бўлсангиз, бундан лойиҳангизни ишга туширишдаги майдонча (платформа) сифатида фойдалансангиз бўлади.

Шунингдек, молия бозорларини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасидаги исплоҳотлар доирасида яқин йиллар ичida Республикаизда тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини ва стартапларни молиялаштиришнинг мүқобил меҳанизмлари (масалан, краудфандинг) жорий этилиши кўзда тутилган. Краудфандинг – бу аҳолидан (донорлардан) ихтиёрий равишда ҳар қандай миқдордаги маблағларни йиғиш йўли билан мәълум мақсадлар учун керакли суммани шакллантириш бўлиб, ундан хорижий давлатларда унумли фойдаланилади. Краудфандинг асосан интернет воситасида амалга оширилади. Юртимизда бу тизимнинг йўлга кўйилиши ва ривожлантирилиши келгусида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун яхши манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БАНКДАН КРЕДИТ ОЛИШ

Олинган кредитни фоизи билан қайтаришингиз зарурлигини инобатга олиб, пухта ҳисоб-китоб қилишингизга тўғри келади. Энг асосийси, кредит олиш учун етарли гаров таъминотига эга бўлиш талаб этилади. Давлат руҳхатидан ўтган тадбиркорлик субъекти ўзи танлаган банқда ҳисоб рақамини очиб фаолият юритиш хукуқига эгадир. Банкка давлат руҳхатидан ўтган гувоҳномаси, паспорт копияси ва ариза тақдим қилинади.

Агар тадбиркор кичик савдо билан шуғулланмокчи бўлса, пул маблағи товарларни улгуржи сотувчилардан сотиб олиш учун керак булади. Назарда тутилаётган бизнес қанчалик мураккаб ва йирик бўлса у очилишидан ва даромадлар келтиришдан аввал шунчалик кўп харажатлар талаб этади. Дастребки зарур бўлган сумма бошлангич капитал деб аталади. У бизнесни шаҳар ёки қишлоқ жойда ташкил этилишига қараб турлича бўлади. Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектлари учун кенг кўламдаги кредит маҳсулотларни таклиф этади. Кредитлар одатда 3 - 5 йилгача муддатга бериладиган, асосий капитал шакллантириш учун (инвестицион) кредитлар ва 1 йилгача муддатга бериладиган айланма капитални тўлдириш учун бериладиган кредитларга бўлинади.

Кредитни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати кредит олиш мақсади ва банкка боғлик бўлади. Банк қандай ҳужжатларни талаб қилинишини кредит аризасини тайёрлаш давомида банк муассасасида аниқлаштириши лозим.

Кредит олиш учун ариза тадбиркор томонидан банк (филиалининг) хизмат кўрсатувчи бўлимга берилади ва филиал кредит қўмитаси ҳамда кредит сиёсати ва ушбу кредит тури шартларида кўзга тутилган ҳолларда бош банк кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқиласdi.

Агар гаров таъминоти етарли бўлмаса, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллигидан фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин. ("Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб – қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. ПФ – 150. 09.06.2022 йил).

Шунингдек, Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун компенсациялар ҳам тақдим этилиб, бу тадбиркорлик субъекти томонидан амалга ошириладиган кредит бўйича тўловларни сезиларли даражада арzonлаштиради.

Жамғарманинг молиявий қўмаги илгари олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг айланма маблагларини шакллантириш, савдо ва умумий овқатланиш обьектларини қуриши молиялаштириш, нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш, қимор ва таваккалчилликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар сотиб олиш учун тақдим этилмайди.

Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорлиники янада ривожлантиришга қаратилган даструрлар ("Ҳар бир оила - тадбиркор", "Yoshlar-Kelajagimiz", "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", шунингдек хунарманччиликни янада ривожлантириш, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини ошириш борасидаги чора тадбирлар) доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш лойиҳа бўйича харажатларни қисқартиришга хизмат қиласdi.





IX. СУГУРТА

Таваккалчиллик (хавф) бизнеснинг ажралмас қисмидир. Таваккалчилликнинг турлари тадбиркорлик фаолиятининг жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Мол ёки хизматга бўлган талаб тушиб кетиши каби хатар барча турдаги бизнесга тегишилдири. Бундан бошқа турдаги таваккалчилликларни сугурта орқали ўрнини қоплаш мум-

кин. Агарда сиз бизнесни сугурталаган бўлсангиз ҳар хил кутилмаган ҳодисалар рўй берган тақдирда молиявий хавфсизлигинги кафолатланган бўлади.

Одатда сугурталашнинг қуйидаги турлари таклиф этилади:

Мол-мulkни сугурталаш

Мол-мulkни зарар келтиришдан масалан, ёнгин ёки бошқа баҳтсиз ҳодисадан сугурталашиш Баҳтсиз ҳодисалардан сугурталаш

Юкларни сугурталаш

Касбий масъулиятни сугурталаш

Кредит қайтарилмаслиги хавфини сугурталаш

Х. ТАВАККАЛЧИЛИК ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Таваккалчиллик корхонанинг хавф-хатар билан боғлиқ, ноаниқлиқ мухитида фаолият олиб бориши ва иқтисодий субъектга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жараёнларнинг сабаб ва оқибати берадиган натижা - кўзланган режани амалга ошириш ёки ошира олмаслик ва фойда ёхуд зарар каби эҳтимолий натижаларни берадиган объектив иқтисодий категория.

- Таваккалчилкнинг муҳим элементлари:
- Эҳтимоллик
- Муқаррарлик
- Қарама-қаршилик
- Муқобиллик
- Ўзгарувчанлик

XI. БИЗНЕС ГОЯЛарНИ ТАРТИБ-ГА СОЛИШ ВА УНИ БИЗНЕС РЕЖА ШАКЛИДА БАЁН ҚИЛИШ

Ҳар қандай бизнес гоядан бошланади. Маълум маҳсулот ёки хизматни кишилар сотиб олмоқчи бўлаётганларини кўриб турган эркак ва аёллар бизнес бошлашади. Бизнесда янги имконият тўғрисида гоя пайдо бўлиши билан унинг концепциясини ривожлантириш керак. Унда қўйидаги масалалар кўриб чиқиласди:

- Сиз қандай маҳсулот ёки хизматни сотмоқчисиз?
- Сиз уларни кимга сотасиз?
- Маҳсулот ва хизматларни қандай қилиб сотмоқчисиз?

СИЗ МИЖОЗЛАРНИНГ ҚАЙСИ

ЭХТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРМОКЧИСИЗ?

Сизнинг бизнесингиз қандай маҳсулот ёки хизматни сотмоқчи? Сизда мавжуд гоя сизда бўлган ижобий хислатларга асосланиши керак. Балким, бизнеснинг маълум бир соҳасида тажрибангиз бордир ёки сиз бирор ўқишда ўқиб маълум бир кўнукмаларга эга бўлгандирсиз. Бизнесингизнинг режаси сиз шуғулланишингиз керак бўлган нарсага ургу беришингизга ёрдамлашади.

КИМГА?

Сизнинг маҳсулот ёки хизматингизни ким харид қилади? Жисмоний шахслар ёки бошқа корхоналар сизнинг мижозларингиз бўлишлари мумкин. Улар кичкина бир қишлоқни ёки жуда катта худудларни, мумкин бутун мамлакатнинг вакиллари бўлишлари мумкин. Сиз фақат мижозларнинг маълум бир гурӯхига сотасизми ёки ҳаммагами? Бизнесда кимга сотаётганлигинги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш жуда муҳимdir.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

Маҳсулот ёки хизматни қандай сотмоқчисиз? Агарда дўёнон очмоқчи бўлсангиз, бу тушунарли, лекин ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходими ҳар хил қилиб сотишлари мумкин. Ишлаб чиқарувчи, масалан, бевосита мижозларга ёки чакана савдо корхоналарига сотиши мумкин.

ҚАЙСИ ЭХТИЁЖ ҚОНДИРИЛАДИ?

Сизнинг маҳсулот ёки хизматингиз мижозларнинг қайси эхтиёжларини қондиради? У доимо мижоз ва унинг эхтиёжлари тўғрисидаги ғамхўрликни акс эттириши лозим. Режани ишлаб чиқиша мижоз бўлиши мумкин бўлганларнинг истакларини аниқлаша ва бўлажак бозор ахволидан хабардор бўлиб туриш жуда муҳимdir.




XII. РАҚОБАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Баъзи бир фаолият соҳалари учун касбий тайёргарликка эга бўлиш шарт булса, бошқалари учун у асосий омиллардан бири бўлмайди. Тадбиркорга билим ҳамиша ёрдам беради. Бозорни, рақобатчиларни, хом-ашё, бошқа воситаларни етказиб берувчилар ҳақида доимо маълумотларга эга бўлса хатоларга йўл қўймайди.

Рақобат таҳлилида қўйидагиларга эътибор берилади:

- Ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва хизматларининг сифати
- Бозорда туттган ўрни
- Сотиб олувчиларнинг фикри
- Бизнесларининг мавқеи
- Маҳсулотни тарқатиш
- Самарадорлик даражаси
- Бизнесни қандай бошқарилиши
- Рақобатдошларнинг кучли томонларини ўрганиш ва уларни сизнинг бизнесингизда таъсирини кўриб чиқиш
- Рақобатдошларнинг кучсиз томонларини ўрганиш ва улардан қандай фойдаланиш лозимлигини билиш.



XIII. SWOT ТАҲЛИЛИ

SWOT куйидагиларни билдиради:

- S -Strength (кучли томонлар)**
- W - Weakness(зайф томонлар)**
- O - Opportunities (Имкониятлар)**
- T - Threats (Хавфлар)**

SWOT таҳлили давомида сиз ўз бизнесингизнинг барча томонларини кўриб чиқасиз ва унинг кучли ва зайф томонларини, имконият ва хавфларни аниқлайсиз. Саодат мисолида унинг дўкон очиш фоясини таҳлил киласиз.

БИЗНЕС ИЧКАРИСИДА КУЧЛИ ТОМОНЛAR

- 1.Илгари дўконда ишлагани учун бу бизнес бўйича тушунчага эга.
- 2.Тумандаги кўпчилик фирмаларни билади.
- 3.Товарларни улгуржи нархларда шартнома асосида сотиб олиш имкониятга эга, танишлари бор.

ЗАИФ ТОМОНЛAR

1. Туманидаги барча фермерларни яхши танимайди.
2. Йирик маблағи йўқ.
3. Ҳисоб - китоб ва харажатларни юритиш кўникмалари йўқ.

БИЗНЕС ТАШҚАРИСИДА ИМКОНИЯТЛAR

- 1.Туманда ҳар куни янги фермер хўжаликлари ва фирмалар ташкил этилмоқда. Демак, товарига бўлган талаб ошади.
- 2.Энг яхши товарлар бўйича маълумотлари бор. З. Ундаги маълумотлар рақобатчи дўкон раҳбарида йўқ.



ХАВФЛАР

- 1.Мижозлар рақобатчининг дўконидан харид қилишга ўрганишган.

SWOT таҳлили мобайнида сиз ўз бизнесингизнинг барча томонларини кўриб чиқасиз ва унинг кучли ва зайф томонлари имконият ва хавфларини аниқлайсиз.

Кучли ва зайф томонларни таҳлил этганда, сиз нимага таъсир ўтказишингиз мумкинлигини излаш орқали ўзингизнинг бизнесингизни чуқур ўрганасиз.

- **Кучли томонлар** сизда ҳамма нарсадан ҳам яхши кўрсаткичга эга бўлган барча томонларни ўз ичига олади. Масалан, сизнинг маҳсулотингиз рақобатчиларинингнидан яхши ва дўконингиз қуай жойлашган, айни вақтда сизнинг ишчи-хизматчиларингизнинг малакаси ҳам юқориидир.

- **Зайф томонлар** сизнинг бизнесингизнинг зайф томонларини акс эттиради. Масалан, сизнинг молингиз рақобатчиларнига қараганда нисбатан қимматроқ бўлиши мумкин, маҳсулотингизни реклама қилиш учун етарли маблагингиз йўқ ёки сиз рақобатчиларингиз кўрсатаётган хизматлардек, хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмассиз.

Имконият ва хавфларни ўрганиш давомида сиз ўзингиз таъсир ўтказишингиз мумкин бўлмаган нарсаларни аниқлаш учун ўз бизнесингиз доирасидан чиқиб кетасиз.

Сизнинг ҳудудингизда жойлашган ва ишга хизмат қилиши мумкин бўлган барча омиллар, нарсалар имкониятларни ташкил этади. Масалан, сизнинг дўконингизга ўшаган дўкон туманингизда бошқа бўлмаганлиги сабабли сизнинг маҳсулотингиз тобора оммалашиб бормоқда ёки янги фирмалар кўплаб очилаётганлиги учун сизнинг мижозингиз бўлиши мумкинларнинг сони кўпаймоқда.

- **Хавфлар** сизнинг атрофинингизда жойлашиб, сизнинг бизнесингиз ривожига салбий таъсир ўтказаётган барча омил ва воситалардир. Масалан, худди шундай маҳсулот ишлаб чиқараётган фирмалар мавжудлиги ёки сотишига соликлар оширилиши мумкин, унда, табиийки маҳсулотнинг нархи кўтарилади, сиз эса маҳсулотингиз қачонгача оммабоп бўлиб туришини биласиз.

SWOT таҳлилинига қараб сиз ўз бизнесингизнинг баҳосини беришингиз ва қуйидаги тўхтамлардан бирига келишингиз мумкин:

- **ғоянгизни янада тақомиллаштириш, уни асослаш;**
- **ўзгартиришлар киритиш учун бош режага қайтиш;**
- **танлаган ғоядан тўлалигича (умуман) воз кечиш.**

XIV. МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ

Мижоз бўлиши мумкинларни ва уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун бажариладиган юмушларнинг барчаси — маркетингдир. Бунда сиз албатта ушбу эҳтиёжларни қондириб билишингиз ҳамда қўйидагилар орқали фойда ҳам олишингиз керак:

- мижозларга улар эҳтиёж сезаётган маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш;
- мижозлар тўлашга тайёр бўлган нархларни белгилаш;
- мижозларнинг маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш;
- маҳсулот ва хизматларнинг ўтказиши (сотиш) мақсадида мижозларга улар тўгрисида маълумот етказиб туриш ҳамда шу йўл билан янги мижозларга эга бўлиш.

Ишни очиш ва олиб боришдаги фаолиятнинг энг асосий ва мураккаб қисми маркетингдир. Бунда маҳсулот ёки хизматнинг яхши-ёмонлиги аҳамиятга эга эмас. Агарда уларни бозорда тўғри ўтказишни таъминлаб билмасангиз, уларни ҳеч ким сотиб олмайди.

МАРКЕТИНГНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

1. Маркетинг мижозларнинг эҳтиёж ва интилишларига асосланган маркетинг режаси билан бошланади.

2. Бизнесингиз асосида сиз ўзингизнинг бозорнингизни ўрганишингиз керак.

3. Бозор тўгрисидаги маълумотлар ёрдамида сиз маркетинг бўйича режани ишлаб чиқишингиз мумкин.

4. Бозорни доимо ўрганиб боринг. Ўз ишингизни олиб боришда мижозларнинг истакларини эшишиб ва эътиборга олиб боришингиз, сифатли мол ёки сифатли хизмат тақдим этишингиз ва ўз мижозларнингизга астойдил хизмат қилишингиз мумкин.

Менинг маҳсулотим ёки хизматим	Менинг истеъмолчи-ларим	Менинг истеъмолчиларим бўлиши мумкин бўлганларнинг эҳтиёжлари	Рақобатчилар
Фермерларга керак бўлган инвентарь ва материаллар (уруг, ўғит, кетмон).	Қиброй тумани атрофида жойлашган фермер хўжаликлари эгалари	Уларга паст нархда бўлган оддий инвентарь ва материаллар керак. Айrim моллар, масалан, ўғит маълум вақтда сотувда бўлиши шарт. Айrim ҳолларда, ўзига керакли нарсани излаб улар узоқдаги дўконларга бориб келишларига тўғри келаётганлигини ҳисобга олиб, менинг дўқонимда уларга керак бўлган барча нарса мавжуд бўлиши керак	Ақмалнинг хўжалик моллари дўкони. Унинг нархлари ўртача. Энг замонавий маҳсулотлар тўгрисида унда баъзи маълумотлар йўқ. Фермерларга керак бўлган нарсаларнинг барчаси ҳам унда топилавермайди
Мехнат қуроллари (болга, арра, омбур, отвертка, ва х.к.)	Қурувчилар, дурадгорлар, темир билан ишлайдиган ишчилар	Турли касб эгалари учун ҳар хил юкори сифатли асбоб-ускуналар. Оддий меҳнат қуроллари доимо сотувда бўлиши керак. Маҳсус асбоб-ускуналарга, улар лозим бўлган вақтда буюртмалар берилиши мумкин	Чирчикдаги хўжалик моллари дўконлари. Паст нархлар. Маҳсулот турларининг кўплиги. Қибрайдаги истеъмолчилар учун узоқда жойлашган
Материаллар (мих, бўёқ, цемент ва х.к.)		Уларга барча турдаги фаолият учун керакли бўлган материалларни доимо етказиб берувчи керак. Маҳсус материаллар, талабга мувофик, буюртма бериш йули билан етказиб берилиши мумкин. Фақат бунинг учун истеъмолчиларга, маҳсус билимларга эга бўлган воситачи керак	

XV. МЕНЕЖМЕНТ

Менежмент - бу бошқа одамларнинг меҳнати, ақлий салоҳияти ва уларнинг ҳулқ - авторини рағбатлантириш эвазига ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш.

Асосий факторлари:

Ресурсларни ташкиллаштириш ва тақсимлаш

Ташқи мұхитта мослашиш

Ички мувофиқлашув ёки меҳнатнинг тақсимланиши

Бошқарувни тақсимлаш зарурияти

1. Ресурсларни шакллантириш

Моддий активлар, капитал, инсон ресурслари (меҳнат), технология, ахборот коммуникациялар.

2. Ташқи мұхит


Сиёсий вазият, рақобат, ҳамкор, ҳамжамият, иқтисодий вазият, истеъмолчилар, бозор, форс-мажор, қонунчилік, жамиятдаги қарашлар.

3. Ички мувофиқлашув ёки меҳнатнинг тақсимлаш

Бўлимлар, таркиб. Тақсимлаш, кадрларни тўғри танлаш.

4. Бошқарувни тақсимлаш зурурияти

Тизим, юқори, ўрта, пастки ижрочилар.



XVI. БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ АСОСЛАРИ

Ишчи-хизматчиларнинг қандай таркиби керак бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўриш лозим. Сизга қанча хизматчи керак? Улар қандай кўнинма ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Штатлар жадвалини ишлаб чиқиш лозим булади.

Сизнинг бизнесингизга қайси юридик меъёрлар таъсир қилиши мумкинлигини, қандай қилиб ишчи ходимлар билан шартнома тузиш, буйруқ ва уларга бериладиган вазифалар атрофлича ўрганилиб алоҳида иш дафтарлари асосида юритилади.


БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ АСОСЛАРИ

- Ишлаб чиқариш корхонасини юргизишда бозорнинг асосий сегментларига эътибор қаратиш;
- Истеммолчиларнинг асосий талабларини ўрганиб чиқиш;
- Сифатнинг янги турларини ишлаб чиқиш;
- Товарларни реклама қилишдан бошлаб то сотилгунча кетадиган сарф-харажатларни бошқариш;
- Нарх сиёсатини белгилаш;;
- Ишлаб чиқаришни мўлжалдаги даражасини белгилаш;
- Қаерга ва қанча микдорда инвестиция ажратишини белгилаш;
- Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни малакасини оширишни бошқариш.

ИШЧИ КУЧИНИ БОШҚАРИШДА ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ

- Бугунги кунда корхонангизда банд бўлган ишчи кучининг таркиби;
- Келажакда улардан қандай ишлаш талаби;
- Юқори погонадаги раҳбарлар даражаси ва омилкорлиги;
- Корхонанинг рақобатбардошлилик тизими;
- Раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш тизимидан самарали фойдаланиш;
- Охирги йилларда корхонадан етакчи мутахассислар кетиб қолиши ҳоллари;
- Корхонада ходимлар фаолиятини баҳолаш тизими.

XVII. БИЗНЕС РЕЖА



Бизнесни режалаштириш янги бизнесни ташкил этиш йўлидаги мухим бўғин ҳисобланади. Бизнес-режа – бу корхонанинг келгуси фаолиятидаги барча мухим жиҳатларни тавсифловчи, дуч келиниши мумкин бўлган муаммоларни таҳлил қиливчи ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгиловчи ҳужжатadir.

Тўғри шакллантирилган бизнес-режа “йўланган иш сармоя киритишга арзийдими ҳамда у сарфланган куч ва маблагларни қопладиган даромад келтирадими?” деган саволга аниқ жавоб демакдир. Пухта ва сифатли ишлаб чиқилган бизнес-режа тадбиркор учун ҳам, сармоядорлар учун ҳам ҳал қиливчи аҳамият касб этади. Одатда, банклар ва сармоядорлар молиялаштиришга арзидиган лойихаларни танлаш учун мукаммал бизнес-режа талаб қилишади. Уларни фойда келтирадиган бизнес ғояга ишонтира олиш учун тадбиркорлар бизнес-режани тайёрлашга етарли вақт ва куч-ғайрат сарфлашларига тўғри келади.

Мукаммал дараҷада шакллантирилган бизнес-режа тадбиркорларга нафакат молиявий ресурсларни жалб қилишга ёрдам беради, балки дастлабки босқичдаёқ, бизнесни амалга оширишдаги мухим стратегик йўналишларни аниқ белгилаб олиш имконини беради ҳамда қайси усуслар орқали ва қандай ресурслар ҳисобига қўйилган мақсадларга эришилмоқчи эканлигини тавсифловчи ўзига хос “йўл ҳаритаси” вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, тўғри тузилган бизнес-режа мақбул бизнес ғоя ишлаб чиқилганингiga ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Қолаверса, бизнес-режа ходимлар учун уларнинг истиқболдаги вазифаларини тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун, янгидан фаолият бошлиётган тадбиркор учун бизнес-режа тузиш тартибини пухта ўзлаштириш мухим ҳисобланади.

Албатта, бу ишда маслаҳатчилар ва мутахассислар кўмагидан фойдаланиш мумкин. Лекин, консалтинг фирмалари сифатли бизнес-режа тузиб бериш учун яхшигина ҳақ талаб қилишларини инобатга оладиган бўлсак, бу ишни минимал харажатлар ҳисобига ўзингиз амалга оширганингиз маъқул эмасми? Қолаверса, бизнес-режангизни шахсан ўзингиз ишлаб чиқсангиз, келгуси фаолиятингизни моделлаштириш имкониятига эга бўласиз, шунингдек иродангизнинг мустаҳкамлигини ҳамда ғоянгизнинг пишиқлигини яна бир бор синовдан ўtkазасиз. Қўйида бизнес-режа ишлаб чиқиша эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар ва унинг таркиби тузилмасига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Бизнес-режа лойиханинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда одатда 3-5 йилга мўлжалланиб, унда корхонанинг ташкил этилишдан барқарор фаолият юрита бошлашгача бўлган даврдаги ҳаёти баён қилиниши лозим. Бизнес-режа ҳар бир тадбиркорга, молиячи ёки банк ходимига, ҳамкорларга тушунарли тарзда ёзилиши керак. Бизнес-режа ҳажм жиҳатдан қисқа, лекин мазмунан барча зарур маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Айрим ҳолларда, муаммоларнинг туб моҳиятини очиб бериш мақсадида, бизнес-режанинг ҳажми катталаштириб юборилади.

Шундай бўлсада, бизнес-режани 30-50 бет атрофида тузиш тавсия этилади. Барча қўшимча материаллар, жадваллар ва бошқа таҳлилий маълумотлар иловада келтирилиши керак.

Одатда кўпчилик бизнес-режаларда рақамларга жуда кўп қоғоз ва вақт сарфланиб, салоҳиятли сармоядорлар учун ҳақиқатда зарур бўлган маълумотларга кам эътибор қаратилади. Шуни ёдда тутиш керакки, бизнес-режа келгусидаги муваффақиятли фаолиятни ифодаловчи “чиройли” кўрсаткичлардан иборат бўлмаслиги лозим, чунки сармоядорлар бўрттирилган кўрсаткичларни дарҳол аниқлаб олишади. Шунинг учун, бизнес-режада сотиш ва фойда (зарар) бўйича аниқ далил ва таҳлилларга асосланган ҳаққоний прогнозлар келтирилиши керак.

Бозорнинг ўзгарувчанлигини инобатга оладиган бўлсак, бу осон вазифа эмас. Шундан келиб чиқиб, асосий прогноз кўрсаткичлари биринчи йил учун ойлар кесимида, иккинчи йил учун чораклар кесимида ва учинчи йилдан бошлаб йиллар кесимида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бизнес-режа лойиҳанинг ҳам кучли, ҳам заиф томонлари бўйича ҳаққоний баҳони кўзда тутиши зарур.

Бизнес-режанинг таркиби тузилмаси фаолият олиб бориладиган тармоқ, янги корхона ишга туширилаётганини ёки лойиҳанинг қайсиdir босқичи амалга оширилаётганинига боғлиқ ҳолда фарқланади. Шундай бўлсада, турли хил бизнес-режаларнинг умумий бўлган қисмлари мавжуд. Аксарият адабиёт ва қўлланмаларда бизнес-режада акс этиши лозим бўлган қуйидаги асосий бўлимлар келтирилади: резюме, корхона тавсифи, корхона тузилмаси, маркетинг, таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар, ишлаб чиқариш жараёни, бозор ва рақобат, асосий ходимлар, таваккалчиликлар, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича прогноз кўрсаткичлари, молиявий кўрсаткичлар ва бошқалар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, янгидан фаолият бошлаётган тадбиркорлар томонидан ташкил этилаётган корхона учун бизнес-режа тузишда қўйида-ги намунавий таркиби тузилмадан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Титул вараги
2. Мундарижа
3. Резюме
4. Корхона тавсифи
5. Маҳсулот ва хизматлар
6. Бозор ва рақобатчилар таҳлили
7. Маркетинг режаси
8. Ишлаб чиқариш режаси
9. Ташкилий тузилма ва ходимлар
10. Таваккалчиликлар таҳлили
11. Молиявий режа
12. Иловалар

Албатта, лойиҳанинг йўналиши ва хусусиятларидан келиб чиқиб бизнес-режанинг намунавий таркиби тузилмасига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Энди бизнес-режанинг намунавий таркиби тузилмасини бирма-бир кўриб чиқамиз.

1. ТИТУЛ ВАРАГИ

Бизнес-режанинг титул вараги биринчи галда кўзга ташланишини инобатга олиб, уни дид билан расмийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. У ўқувчида корхона келгусидаги мақсадларини амалга оширишга тайёр эканлиги ва бунга жиддий киришганлиги тўғрисида фикр ўйготиши лозим.

Титул вараги ортиқча безаклардан холи бўлган ҳолда факат корхона тўғрисидаги зарур бирламчи маълумотларни акс эттириши керак. Хусусан, титул варагида корхонанинг тўлиқ фирма номи, логотипи (агар мавжуд бўлса), лойиҳа номи (яни, бир жумлада лойиҳанинг моҳияти), корхонанинг юридик манзили, телефон рақами, электрон почтаси, интернет сайти (агар мавжуд бўлса), боғланиш учун масъул шахснинг исми-шарифи ва бизнес-режа тузилган сана кўрсатилади.

2. МУНДАРИЖА

Фойдаланувчи ўзини қизиқтирган маълумотларни осонлик билан топа олиши учун мундарижада бизнес-режа бўлимларининг номлари, уларнинг тартиб рақами ва бетлари кўрсатилиши тавсия этилади.

3. РЕЗЮМЕ

Даставвал ўқиладиган бўлим бўлганлиги учун резюме жуда муҳим ҳисобланади. Унга ўзига хос кичик бизнес-режа сифатида қараш мумкин, чунки у бутун бизнес-режанинг мазмун моҳиятини 2-3 бетда акс эттиради. Шунинг учун, резюме бизнес-режанинг бошланишида келтирилса ҳам, қолган барча бўлимлар якунига етказилгандан сўнг ёзилиши керак.

Ушбу бўлимнинг мақсади ўқувчини лойиҳага қизиқтира олиш ва уни қолган бўлимларни ҳам ўқишига ундашдан иборатdir. Агар бизнеснинг моҳияти ва мантиғини қисқа ва лўнда тарзда очиб бера олмасангиз, салоҳиятли сармоядор бизнес-режангизнинг қолган қисмини ўқимаслиги мумкин. Айнан резюме орқали сармоядорларда лойиҳа тўғрисида илк таассурот шаклланади ва бу лойиҳанинг келгуси тақдирига таъсир кўрсатади.

Резюмеда қўйидагилар акс эттирилади:

- бизнес-режанинг мақсади;
- корхона ва лойиҳа тўғрисида қисқача маълумот;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот (кўрсатиладиган хизмат)лар;
- уларнинг ўзига хос (ноёб) жиҳатлари ва мавжуд имкониятлар;
- талаб этиладиган молиявий ресурслар, шу жумладан ташки манбалар ҳисобидан;

- салоҳиятли харидорлар, айрим мавжуд харидорларнинг тавсифи;
- рақобатчилар ва улардан фарқли жиҳатлар;
- асосий молиявий қўрсаткичлар;
- лойиҳанинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти
(янги иш ўринлари яратилиши, аҳолига янги товар ва хизматлар тақлиф этилиши, маҳаллий бюджет солиқقا тортиш базасининг ҳамда рақобат мухитининг кенгайиши ва ҳ.к.), экологик таъсири ва бошқалар.

4. КОРХОНА ТАВСИФИ

Ушбу бўлимнинг мақсади ўқувчини корхона тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш, унинг ишончли эканлигига ва лойиҳанинг истиқболлигига ишонтиришдан иборат. Бўлимнинг тахминий таркиби қўйидагича:

- корхонанинг ташкилий-хуқуқий ва мулкчилик шакли, таъсисчилар, ходимлар ва ҳамкорлар;
- корхона жойлашган манзил, унинг бизнес учун қулай томонлари;
- тармоқнинг қисқача тавсифи;
- корхонанинг қисқа ва узок муддатли истиқболдаги мақсадлари ҳамда вазифалари;
- лойиҳанинг моҳияти, уни амалга ошириш муддатлари ва босқичлари;
- асосий ва қўшимча фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (қўрсатиладиган хизматлар), етказиб берувчилар ёки истеъмолчилар билан олдиндан тузилган шартномалар (агар мавжуд бўлса);
- ишнинг ўзига хос жиҳатлари
(мавсумийлик, иш кунлари, иш вақти ва бошқалар);
- танланган бизнес соҳасидаги шахсий тажриба ва бошқалар.

Ушбу бўлимда SWOT-таҳлил келтирилиши тавсия этилади. SWOT-таҳлил (инглиз тилидаги strengths, weaknesses, opportunities ва threats сўзларининг бош ҳарфларидан олинган) стратегик режалаштириш усули бўлиб, унда лойиҳанинг кучли ва заиф томонлари ҳамда имкониятлар ва таҳдидлар кўрсатилади. Кучли ва заиф томонлар – тадбиркор томонидан назорат қилиниши мумкин бўлган ва у таъсири кўрсата оладиган жиҳатлардир. Бу ерда қўйидаги омиллар таҳлили кўриб чиқилиши керак:

- ташкилий (ташкилий-хуқуқий шакл, хусусий ёки ижарага олинган бино-иншоотларнинг мавжудлиги);
- маркетинг (жойлашув, бозор ва унинг сегменти, рақобатчилар ва маҳсулотнинг рақобатбардошлик жиҳатлари);
- ҳом ашё (маҳаллий ҳом ашё мавжудлиги ёки уни импорт қилиш зарурлиги, ҳом ашё қиймати);
- техник (ишлаб чиқариш фондлари, уларнинг ҳолати);
- молиявий (ўз маблагларининг мавжудлиги, ташки манбалардан ресурслар жалб қилиниши зарурлиги);
- кадрлар (етарли малака ва профессионал камчиликлар).

Имкониятлар ва таҳдидлар – тадбиркор назорати остида бўлмаган ва келгусида фаолият самарадорлигига таъсири кўрсатиши мумкин бўлган жиҳатлардир. Бунда қўйидаги омилларнинг инобатга оlinиши мухимdir:

- иктисодий мухит (давлат томонидан кичик бизнеснинг қўллаб-куватланиши, солиқ қонунчилиги);
- сиёсий мухит;
- ижтимоий-маданий мухит;
- технологик мухит;
- демографик мухит;
- экологик мухит ва бошқалар.

SWOT-таҳлил натижалари

Таҳлил натижаларини баён қилишда қўлланмада келтирилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда қисқа иборалардан ёки тўлиқ гаплардан фойдаланиш мумкин. Масалан:

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<ul style="list-style-type: none"> • юқори малакали кадрлар; • ҳом ашё базасининг етарлилиги 	<ul style="list-style-type: none"> • ускуна нархининг қимматлиги; • маркетинг бюджетининг кичиклиги;
Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> • импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши; • ҳудудда ягона бўлган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши; 	<ul style="list-style-type: none"> • янги рақобатчилар; • ноқулай иқлим шароитлари;

5. МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР

Мазкур бўлим мутахассис бўлмаган ўқувчи учун ҳам тушунарли ва аниқ тарзда ёзилиши мухим бўлиб, унда ҳар бир маҳсулот (хизмат)нинг алоҳида таърифи келтирилади. Бўлимда қўйидагиларга эътибор қаратилади:

- маҳсулот (хизмат)нинг номланиши ва қўлланилиш соҳаси;
- маҳсулот (хизмат)нинг тавсифи ва ўзига хос (ноёб) жиҳатлари;
- маҳсулот (хизмат)нинг рақобатбардошлиги, унинг рақобатчилар маҳсулот (хизмат)ларига нисбатан устун ва заиф томонлари;
- патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи масалалари, лицензия зарурлиги (ёки бунга ҳожат йўқлиги), сифат сертификати мавжудлиги;
- маҳсулотнинг хавфсизлиги ва атроф мухитга таъсири, маҳсулотдан фойдаланиб бўлингандан сўнг уни утилизация қилиш масалалари ва бошқалар.

6. БОЗОР ВА РАҚОБАТЧИЛАР ТАҲЛИЛИ

Бозор ва рақобатчиларни ўрганиш ҳар бир корхона учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки, у бозорда қандай маҳсулотлар мавжудлиги, истеъмолчиларга қўшимча нима кераклиги ва уларга қайси маҳсулотни таклиф қилиш мумкинлигини тушунишга ва умуман олганда, бизнес гояни самарали амалга ошириш имконияти мавжудлигига ишонч ҳосил қилишга, қолаверса, муваффакиятсизликка учрашдан ва ортиқча сарф ҳаражатлардан ҳимояланишга ёрдам беради. Бунинг учун тадбиркордан катта ҳажмдаги зарур маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш талаб этилади.

Мазкур бўлим ўтказилган ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ёзилиб, унда қўйидаги масалалар ёритилади:

- бозор ва унинг хусусиятлари;
- бозор ҳажми ва унинг ўзгариши;
- бозордаги эгалланиши қўзда тутилаётган улуш;
- ҳаридорлар, уларнинг маҳсулот (хизмат)га қўядиган талаблари ва ушбу талабларни қондириш бўйича имкониятлар;
- асосий рақобатчилар, уларнинг кучли ва заиф томонлари;
- рақобатнинг таъсири ва бошқалар.

7. МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ

Ушбу бўлим режалаштирилаётган сотиш ҳажмларига эришиш йўлларига бағи-шланган бўлиб, унда салоҳиятли сармоядорларнинг ишончи ва эътиборини қо-зонишга асосий эътибор қаратилади. Бу ерда маркетинг ва сотиш стратегияси, фойдаланиладиган маркетинг инструментларининг шарҳи келтирилади. Хусусан, қўйидагилар тўғрисида сўз юритилади:

- товар сиёсати;
- нарх сиёсати;
- маҳсулотни сотиш схемаси;
- маҳсулотни сотиш (коммуникация) сиёсати ва бошқалар.

8. РЕКЛАМА ВА PR

(PUBLIC RELATIONS – ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР)

Реклама ва ташвиқот масалалари жиддий эътибор ва ҳаражатлар талаб қиласади. Ҳар бир бизнеснинг асосий мақсади имкон қадар кўпроқ ҳаридор жалб қилишдан иборатdir. Мижозлар сафи кенгайиши учун пухта ўйланган реклама зарур. Мижоз сизнинг маҳсулотингизни ўз атрофидагиларга тавсия қилиши учун уни ҳайратда қолдиришингиз ва унга кутганидан ҳам зиёда қилиб хизмат кўрсатишингиз зарур. Мисол учун, дастлабки мижозлар учун маълум миқдорда чегирмалар ёки кичикроқ совға тақдим этиш ҳақида ўйлаб кўринг.

9. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Бу бўлим ишлаб чиқариш билан боғлиқ, асосий масалалар, зарур ресурслар ва ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифига бағишиланиб, маҳсулот (хизмат)ларни юқоридаги бўлимларда келтирилган сифат ва ҳажмларда тайёрлай олишга салоҳиятли сармоядорларни ишонтиришга хизмат қилади. Бўлимда қўйидагилар тўғрисида маълумот берилади:

- бино-иншоотлар ва ер майдонлари;
- инфратузилма ва коммуникациялар;
- зарур асбоб-ускуналар, асосий хом ашё ва материаллар ҳамда уларни етказиб берувчилар;
- ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи;
- ишлаб чиқаришнинг экология ва меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бериши ва бошқалар.

10. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА ВА ХОДИМЛАР

Мазкур бўлимда корхонанинг ташкилий тузилмаси, “бошқарув-бўйсунув” ти-зими, бошқарув таркиби аъзолари (исми-шарифи, телефон рақами, электрон почтаси ва ҳар бирининг қисқача таржимаи ҳоли) ва ишлаб чиқариш персонали, уларнинг лавозим мажбуриятлари ва вазифалари, малакаси, қўшимча жалб этила-диган мутахассислар, ходимларни рағбатлантириш ва малакасини ошириш ҳамда бошқа тегишли масалалар хусусида сўз юритилади.

11. ТАВАККАЛЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Мазкур бўлим корхона фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳисобга олиш ва бошқаришга бағишиланади. Бундай таваккалчиликлар ресурсларнинг бир қисмини йўқотиши, рақобат таъсирида прогноз қилинган сотиш ҳажмларига эриша олмаслик ва кўзланган даромадларни ололмаслик, қўшимча ҳаражатларга олиб келувчи ноқулай ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимолини англаради.

Бу ерда ушбу таваккалчиликлар таҳлил қилиниб, уларни вужудга келтирувчи омиллар, таваккалчиликлар юзага келадиган фаолият босқичлари кўрсатилади ва таваккалчиликларнинг кўлами баҳоланади.

Шунга кўра, таваккалчиликларни камайтириш ва уларнинг таъсирини юмша-тиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Юзага келиши мумкин бўлган барча салбий оқибатларни аниқ белгилаб олиш мақсадида таваккалчиликларни уч турга бўлиш мумкин:

- тижорат (турли сабабларга кўра маҳсулотга талабнинг пасайиши, янги рақо-батчиларнинг пайдо бўлиши, ҳамкорлар томонидан сифатсиз хом ашё, ускуналарнинг етказиб берилиши ёки уларнинг кечикириб етказиб берилиши, материаллар ва эҳтиёт қисмларнинг, шунингдек ижара, транспорт, коммунал ва бошқа тўлов-ларнинг қимматлашиши);

- молиявий (дебитор қарздорликнинг ортиши, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ёки солиқ ставкаларининг оширилиши, қонунчиликнинг ўзгариши, валюта курсларининг тебраниши ва бошқалар);

- ишлаб чиқариш (ишчилар малакасининг етарли эмаслиги, яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, зарур ускуна, сифат назоратининг мавжуд эмаслиги, ёнгин, иш жойидаги баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қиласлик ва бошқалар).

Табиийки, барча таваккалчиликларни олдиндан аниқлашнинг имкони йўқ.

Лекин, бизнеснинг келгусидаги ривожи учун уларнинг олдиндан максимал даражада белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

12. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Мазкур бўлим бизнес-режанинг самарадорлигини рақамлар ва ҳисоб-китоблар орқали исботлаб берадиган қисм ҳисобланиб, кўпчилик ўқувчилар резюме билан танишгандан сўнг бошқа бўлимлардан олдин молиявий режани ўқиб чиқишиади.

Бу ерда ҳаққоний прогнозлар кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу бўлим қўйидаги асосий кўрсаткичларни назарда тулади:

- лойиҳани молиялаштириш манбалари;
- ишлаб чиқариш ҳажми прогнози;
- ишлаб чиқариш харажатлари (хом ашё ва материаллар, бошқарув ходимлари ва ишчиларнинг иш ҳақи, хизмат сафари, ижтимоий сугурta ажратмалари ва бошқа харажатлари бўйича тўловлар, ижара ва сотиш харажатлари (маҳсулотларни ташиб, маркетинг, реклама харажатлари ва бошқалар), кредитлар бўйича тўловлар ва ҳ.к.);
- товар (хизмат)лар таннархи ҳисоб-китobi;
- сотиш бўйича прогноз кўрсаткичлари;
- пул оқимлари ҳаракати прогнози;
- фойда ва зарарлар;
- молиявий баҳолашнинг оддий усуслари ёрдамида лойиҳанинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили (молиявий барқарорлик, тўловга қобилиятлилик, рентабеллик, лойиҳанинг соғ келтирилган (жорий) қиймати кўрсаткичлари, қоплаш муддати ва бошқалар).

Таннархи калькуляцияси

Ҳар бир иш харажатлар талаб этади. Харажатлар деганда корхона томонидан маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган барча пул маблағлари тушунилади.

Таннархнинг калькуляцияси — бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, хизматни тақдим этишга сарфланган умумий маблағларни санаб чиқиш учун амалга оширилган ҳаракатлардир.

Таннархнинг калькуляцияси сизнинг корхонангизга қўйидагиларни амалга оширилган ҳаракатлариди:

- маҳсулотга нарх белгилаш;
- харажатларни камайтириш ва уларни назорат килиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомида сифатлироқ қарорларни қабул қилиш;

- корхона истиқболини режалаштириш.

Турли бизнеслар турлича харажатлар билан боғлиқ. Лекин бизнеснинг барча турлари учун қўйидаги тўртта асосий харажатлар тури хос бўлади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар;
- молиявий фаолият харажатлari;
- кутилмаган харажатлар.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар — бу корхона ишлаб чиқараётган ёки сатаётган маҳсулот ёки хизматлар билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган харажатлардир. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатларга қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган тўғридан-тўғри ва билвосита моддий харажатлар;
- бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланган тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган бошқа тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган тўғридан-тўғри ва билвосита моддий харажатлар - бу сизнинг корхонангиз томонидан кейинчалик маҳсулот (сиз тайёрлаб сотадиган ёки тақдим қиладиган) ёки хизматнинг ажралмас таркибий қисмига айланадиган, ёки уларга бевосита алоқаси бўлган хом ашё ва материалларни сотиб олишга ҳаражат қилинган барча пул маблағларидир. Чакана ёки улгуржи сотувчи учун қайта сотиш мақсадида молни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг ўзи тўғридан-тўғри харажатларга киради.

Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланган тўғридан-тўғри ва билвосита харажатлар — бу корхона томонидан, ишли ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун, иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган ижтимоий сугуртага тўловлар учун ва бевосита маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришга жалб этилган шахсларни мукофотлаш учун ажратилган барча пул маблағларидир.

Чакана ва улгуржи савдогарлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўладиган ишли кучини ёлламайдилар, шу туфайли улар меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандайдир тўғридан-тўғри ёхуд билвосита харажатларга дучор бўлмайдилар. Улар томонидан ишли хизматчилар ойликларига сарфланадиган барча маблағлар улар учун давр ҳаражатларидир (ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар).

Давр ҳаражатлари — бу ҳаражатларга, корхона ўзининг бутун фаолияти давомида қиладиган ҳаражатлари киради, масалан маъмурӣ ҳаражатлар, сотиш ҳаражатлари. Одатда давр ҳаражатларининг маълум бир маҳсулот ёки хизматга бевосита алоқаси йўқ. Давр ҳаражатларини баъзида қўшимчча ҳаражатлар ёки чиқимлар дейишиади.

Молиявий фаолият харажатлари — бу корхонанинг молиявий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларидир. Молиявий харажатлар фоизлар бўйича тўловлар, чет эл валютасида бажарилган операциялар натижасидаги нисбат фарқ, қимматли қозозларга кўйилган маблагларни қайта баҳолаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Кутилмаган харажатлар — бу фавқулодда ва режалаштирилмаган харажатлар. Улар хўжалик субъектларининг одатдаги фаолияти билан боғлиқ эмаслар.

Харажатларни фавқулодда деб топиш учун улар қўйидагича бўлишлари лозим:

- корхонанинг одатдаги фаолиятига мувофиқ эмас;
- бир неча йилда бир марта такрорланади;
- корхонани бошқараётган бўлим хизматчисининг қабул қилаётган қароридан қатъий назар рўй беради.

Сизнинг корхонангиз томонидан ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёки хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатларни тўғри ҳисоблаб чиқиш учун сиз турли хил харажат ва тўловларнинг маъносини, улар нимага амалга оширилаётганини тушунишингиз лозим.

13. ИЛОВАЛАР

Иловалар ҳам бизнес-режанинг мухим қисми ҳисобланиб, ҳамкорлар ва сармоядорларга турли кўшимча материалларни беради. Бизнес-режага корхонага оид ҳужжатлар (давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, таъсис ҳужжатлари ва бошқалар), зарур жадваллар, графиклар ва диаграммалар, жойлашув бўйича схемалар, мавжуд сертификатлар, лицензиялар ва дипломларнинг нусхалари, мухим келишувлар ва шартномалар, мутахассислардан олинган хуносалар ва тавсиялар ҳамда бошқа зарур маълумотлар илова қилинади. Иловаларнинг ҳажми меъёрда бўлиши керак.



БИЗНЕС-РЕЖА ТУЗИШГА ОИД ЯКУНИЙ ТАВСИЯЛАР

Бизнес-режа техник жаргонлардан ва эмоционал фикрлардан холи бўлиши, шунингдек, уни ёзишда чиройли сўзлардан кўп фойдаланишга ургу берилмаслиги керак. Бизнес-режа мутахассис бўлмаган фойдаланувчилар учун ҳам тушунарли тарзда ёзилиши, фикрлар аниқ ва лўнда изҳор қилиниши лозим.

Бизнес режанинг расмийлаштирилиши ва дизайни ҳам профессионал даражада бўлиши мухимdir. Чунки, фойдаланувчи унинг нафақат мазмунига, балки кўринишига ҳам эътибор қаратади. Дидсиз тузилган бизнес-режа ўқувчидаги салбий таассурот қолдириши мумкин. Аксинча, ҳам мазмун, ҳам расмийлаштириш жихатидан юқори савияда тузилган бизнес-режа фойдаланувчидаги сизнинг ишга бўлган муносабатингиз ва шахсий сифатларингиз тўғрисида дастлабки ижобий фикрларни уйготади.

Жадвал, диаграмма ва графиклардан фойдаланиш масалани чукурроқ тушунишга ёрдам беради. Бизнес-режанинг мухим жойларини бошқа шрифт ёки ранг билан ажратиб кўрсатиш зарур маълумотга ўқувчи эътиборини дарҳол жалб қилишга хизмат киласи. Бизнес-режаки расмийлаштиришда унинг тегишли қисмларнинг мазмунига оид суратлар ва чизмалардан фойдаланиш мумкин. Факат буни ҳам меъёрида кўллаш даркор.

Бизнес-режа сармоядорларга берилиши мўлжалланган бўлса, уни тақдим этишдан аввал маълумотларнинг тўғрилигини яна бир бор текширувдан ўтказинг. Айниқса, бухгалтерингиз томонидан молиявий кўрсаткичлар ва ҳисоб-китобларнинг қайта кўриб чиқилиши мухим аҳамият касб этади. Чунки, сармоядорлар томонидан бизнес-режангизда хатоликлар аниқланса, ноқулай вазиятга тушиб қолишингиз мумкин.

Одатда бизнес-режада тижорат сирига оид маълумотлар келтирилганлиги боис, уларнинг тарқалишини назорат қилиш зарур. Сармоядор билан дастлабки учрашув чоғида унга фақатгина лойиҳа тўғрисида қисқача маълумот беринг. Салоҳиятли сармоядор лойиҳангизга қизиқсанлигини билдирганидан сўнг, унга танишиш учун бизнес-режангизни тақдим этишингиз мумкин. Ёки бўлмаса, бизнес-режада тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар мавжудлиги тўғрисида ўқувчиларни огоҳлантириш мақсадида сир тутиш тўғрисида келишув тузилади.

Ушбу келишувда бизнес-режа ва унинг маълумотларидан нусха кўчириш, бизнес-режани учинчи шахсларга бериш тақиқланиши ёки танишиб бўлгандан сўнг ҳужжатни муаллифга қайтариш зарурлиги ёзилиши мумкин. Умуман олганда, бизнес-режа тузишдан олдин бир қанча тайёр бизнес-режалар билан танишиб чиқиш ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини ўрганиш, ундан кейингина мустақил равища бизнесрежа тайёрлашга киришиш тавсия этилади.

БИЗНЕС РЕЖА



БИЗНЕС РЕЖА

Корхона логотипи

Корхона номи

Лойиха номи

Манзил
Алоқа телефони
Электрон почта
Интернет сайт
Масъул шахс исми шарифи
Сана

МУНДАРИЖА

1. Резюме
 2. Корхона тавсифи
 3. Махсулот ва хизматлар
 4. Бозор ва рақобатчилар таҳлили
 5. Маркетинг режаси
 6. Ишлаб чиқариш режаси
 7. Ташкилий тузилма ва ходимлар
 8. Таваккалчиликлар таҳлили
 9. Молиявий режа
 10. Иловалар

РЕЗЮМЕ

КОРХОНА ТАВСИФИ

МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР

БОЗОР ВА РАҚОБАТЧИЛАР ТАҲЛИЛИ

МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА ВА ХОДИМЛАР

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

МОЛИЯВИЙ РЕЖА